

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-11/2
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош мұхаррир:

Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.

Бош мұхаррир ўринбосари:

Хасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

*Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.
Абдухалимов Баҳром Абдурахимович,
т.ф.д., проф.
Аззамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.
Бабаджанов Хүшнүт, ф.ф.н., проф.
Бобожонова Сайёра Хүшнүдовна, б.ф.н., доц.
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.
Давлетов Санжар Ражсабович, тар.ф.д.
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.
Исмаилов Исҳақжон Отабаевич, ф.ф.н., доц.
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.
Жуманов Мурат Аренбаевич, д.б.н., проф.
Кадирова Шахноза Абдухалилова, к.ф.д., проф.
Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc
Курбанбаев Илҳом Жуманазарович, б.ф.д., проф.
Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.
Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.
Майл С. Энжел, б.ф.д., проф.
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.
Мирзаев Сироғиҳиддин Зайневич, ф-м.ф.д., проф.
Мирзаева Гулнара Сайдарифовна, б.ф.д.*

*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.
Раззақова Сурайё Раззоқовна, к.ф.ф.д., доц.
Рахимов Рахим Атажанович, т.ф.д., проф.
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д.,
проф.
Рахимова Гўзал Юлдашовна, ф.ф.ф.д., доц.
Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.
Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.
Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.
Сотипов Гойинназар, қ/х.ф.д., проф.
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,
б.ф.д., академик
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.
Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.
Ўразбоев Гайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.
Ўрзобоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.
Ҳасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.
Ҳудайберганова Дурдана Сидиқовна, ф.ф.д.
Ҳудойберганов Ойбек Икромович, PhD, к.и.х.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№11/2 (108), Хоразм
Маъмун академияси, 2023 й. – 231 б. – Босма нашрнинг электрон варианти -
<http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм
Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Arzimatov B.Z. Rahbar va xodim o'rtasidagi munosabatlarni baholash mexanizmlarini takomillashtirish	5
Ataxanova Sh.S. Sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini kuchaytirish ko'rsatkichlari	7
Baxtiyorova N.U. Oliy ta'lim muassasalarida ijtimoiy media marketing xizmatlaridan samarali foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari	10
Boboqulov S.B. Aholiga ko'rsatiladigan kommunal xizmatlarni raqamlashtirish yo'llari	13
Dedajanov B.N. Foreign experience of strategic planning of operational management activities of industrial enterprises	16
Egamberdiyeva S.R. Xalqaro standartlar asosida qishloq xo'jaligida aktivlar hisobini takomillashtirish	19
Ibragimov I.U. Issues of strategic planning and their effective use in industrial enterprises	22
Ibragimov I.U. Tadbirkorlik sub'yektlarida innovasion faoliyatini boshqarish mexanizmini muvofiqlashtirish masalalari	25
Jumaev P.X., Ruziyev Z.I. Statistical analysis of the loan portfolio in banks and its management	28
Jurakulova S.B., Turayev B.H. Qishloq joylarda agroturizm klasterining shakllanish xususiyatlari	32
Kalimulina N.V. Xorazm viloyati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida qurilish sohasi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik (KBXT) subyektlarining hududiy va tarmoq tahlili	38
Masharipov X. Turizm sohasida kadrlar salohiyatini oshirish ustuvor yo'nalishlari	44
Mirxamidova D. Sanoat korxonalarida mehnat samaradorligini oshirishning rivojlangan davlatlar tajribasi asosida takomillashtirish	46
Mirzanova N.M. Raqamli iqtisodiyotda logistikaning o'rni va ahamiyati	49
Qurbanov A.B. Agrosanoat majmuasini kichik tadbirkorlik asosida rivojlantirish yo'llari	52
Rajapov X.B. O'zbekiston Respublikasi baliqchilik sohasida KBXTni rivojlantirishning hozirgi xolati tahlili	55
Ruziyev Z.I., Oramov J.J. Impact of local budget revenues on socio-economic development of regions	60
Sapayeva N.K. Mintaqalarda infratuzilma faoliyati rivojlanishi va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili	64
Sattikulova G.A. Features of industrial production development in the Republic of Uzbekistan	67
Sharipov S.B. Xizmat ko'rsatish korxonalari raqobat ustunligini shakllantirish strategiyasi	70
Sherqulov Sh.J. Qishloq xo'jalik yerlarida yer monitoringini o'tkazish uslubini takomillashtirish	73
Sultonov B.B. Islom moliyasini O'zbekiston iqtisodiyotiga joriy qilishda qonunchilik normalaridagi muammolar va ularni takomillashtirish	76
Toshaliyeva S.T. Surxondaryo viloyatining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini iqtisodiy-statistik baholash	79
Toshpo`latova S. Maktab rahbarlarining boshqaruv kompetensiyalarini rivojlantirishda psixologik komponentlilikning ahamiyati	84
Tuychieva N. The importance of improving higher education management in Uzbekistan	86
Ubaydullayev L., Narimonov N. Issues of effective use of modern principles of management in strategic planning	89
Xalikova L.N. Malakaviy va zamонавиy kadrlar – davr talabi	92
Xudayberganov D.T. Sanoat tarmoqlarini rivojlantirishning mintaqaviy xususiyatlari	97
Xurramov O.K. Raqamli turizmdagi asosiy texnologik yechimlar va xizmatlar	100
Азимов О.О., Ташиулатов Дж.Б. Роль инвестирования в основной капитал экономического развития региона	103
Атажонов Ж.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кооперация алоқаларининг таснифий хусусиятлари	107
Бердиев Қ.Х. Молиявий ҳисоботнинг халқaro стандартларига мувофиқ хусусий капитал таркибини шакллантириш	112

Бердиев Қ.Х. Хўжалик субъектларида капитал ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш	116
Бозаров Б.З. Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари ишлаб чиқаришининг ривожланиши	119
ДЖумаев Ф.Т. Саноат ривожланишига иқтисодий кўрсаткичлар таъсирини баҳолаш	123
Ерматова Д.А. Темир йўл транспортида трансформация жараёнини амалга оширишдаги тўсиқлар	127
Заявитдинова Н.М. Цифровая трансформация системы государственного управления в условиях цифровизации экономики	131
Камилова С.А. Тенденции инвестиционной активности институциональных структур фондового рынка	134
Комолов С.Х. Фармацевтика саноатида инновацион инвестициялаш жараёни механизмлари	137
Курбанова М.Н. Кончилик саноати корхоналарида инновацион фаолият механизмларининг илмий-назарий асослари	140
Қодиров А.А. Экологик туризмни ташкил этиш тамойиллари, усуллари ва унинг таркибий тузилиши	145
Қодиров А.А. Экотуристик хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари	152
Махаммадалиева М.Ш. Ситуация с электронной коммерцией и пути решения проблем в Узбекистане	157
Махмудов Т.Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этиш механизмининг хориж тажрибаси	162
Муминова Н.И. Валюта курси ўзгаришининг экспорт ва импорт хажмига таъсири таҳлили	168
Насимов Б.Б. Факторы, влияющие на развитие предпринимательской деятельности в сфере туризма	172
Нуримбетов Р.И., Лямкина В.А. Основные факторы развития предпринимательского университета в условиях глобализации	178
Рахимов Т.Ж. Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг назарий хусусиятлари	183
Сайдов Д.Р. Хоразм вилоятида автомобил бизнеси ва сервис хизматлари сифатини такомиллаштиришни социологик анкета сўровлари асосида баҳолаш	188
Тараҳтиева Г.К. Саноат корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари	197
Тешабоева З.Т., Кобулова М.А. Направления совершенствования системы управления инновационной деятельностью Республики Узбекистан	200
Турабоев И.И. Тадбиркорлик фолиятида бошқариш тизимини самарадорлигини ошириш	205
Умарова Г., Набиева М. Жамият тараққий этишида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўрни	207
Ходжаниязов Э.С. Туризм соҳасида транспорт кластерини шакллантириш хусусиятлари	209
Хожиматов Р.Р. Пиллани қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашда ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш	216
Холмирзаева Қ.Х. Бошқарув ходими меҳнати самарадорлиги: мазмун-моҳияти, баҳолаш ва тавсиялар	218
Эсаналиев О.Ю. Кичик саноат зоналари - қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва ривожлантириш асоси сифатида	221
АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ	
Duschanov Sh.Sh. Imkoniyati cheklangan sayyoohlар uchun qulay muhit yaratish istab	224
ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ	
Matyoqubov Z.Q. Yuqori yarim tekisliklar dekart ko'paytmasi uchun matritsaviy karleman formulasi	227

УЎК 332.1

ЭКОТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛANIШ XУСУСИЯТЛАРИ

A.A.Қодиров, тадқиқотчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада экотуристик хизматлар бозорининг моҳияти ёритилиб, уни ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилган.

Калим сўзлар: туризм, экотуризм, экотуристик объектлар, экотуристик хизматлар, табиий туристик хизмат, турист, экотурист.

Аннотация. В статье описана природа рынка экотуристских услуг и раскрыта социально-экономическая природа его развития.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, объекты экотуризма, услуги экотуризма, услуги природного туризма, турист, экотурист.

Abstract. The article describes the nature of the market of ecotourism services and reveals the socio-economic nature of its development.

Key words: tourism, ecotourism, ecotourism objects, ecotourism services, nature tourism services, tourist, ecotourist.

Кириш. Жаҳонда туристик хизматлар бозорининг жадал ривожланиши ушбу соҳада кўрсатилаётган хизматлар турлари ва уларнинг сифат кўрсаткичларини тубдан такомиллаштириш заруриятини уйғотмоқда. Шу билан биргаликда, ушбу соҳа сўнгги йилларда аксарият мамлакатлар иқтисодиётининг мустақил тармоғи сифатида шаклланишга улгурди. Туризм соҳасининг глобал даражада ривожланиши ушбу соҳани таркибий жиҳатдан такомиллашувига олиб келиб, туристик оқим мақсадидан келиб чиқсан ҳолда кўрсатиладиган туристик хизматларниң турлари ҳам турли йўналишлар кесимида ривожлана бошлади. Жумладан, XX асрнинг 70-80 йилларига келиб, туристик хизматлар бозорида «экотуризм (ecotour)» янги туристик хизмат йўналиши сифатида ривожлана бошлади [1]. Таҳдилларга кўра, экотуризм соҳасини ривожлантириш зарурияти халқаро туристик оқим ҳажмида табиат қўйнида унинг саломатлигига умуман ҳавф туғдирмайдиган шароитда хордиқ чиқариш мақсадида туристик хизматлардан фойдаланувчилар улушининг ортиши билан изоҳланади.

Экотуризмни ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кузатилаётган тенденцияларга кўра, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар, табиий, маданий ва манавий ёдгорликлар, рекреацион ҳудудлар, экотуристик хизматлар ташкил этилаётган ҳудудлардаги экотизимларни ҳимоя қилиш билан биргаликда, табиий бойликлар ва экологик ресурслардан оқилона фойдаланишга устуворлик қаратилиб келинмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётда турли олимлар томонидан ўз мамлакатларининг экотуристик салоҳиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, С.К. Кутлер, М. Сантеиро, Н. Сомерио, А. Авила-Робинсон, А.Г. Асмелаш каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан экотуризм салоҳиятини баҳолашнинг илмий-услубий асосларига бағишланган назарий қараашлар таҳлил этилган.

Яқин хорижлик Ю.А. Веденин, Е.И. Богданова, Ю.А. Худенких, А.Н. Дунец, кабилар томонидан мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида экотуризм салоҳиятини аниқлаш бўйича илмий изланишлар амалга оширилганлиги билан характерланади.

Махаллий олимлардан Н. Тухлиев, Т. Абдуллаева, Н.Т. Шамуратова, Т. Досчанов, Б.Ш. Сафаров, кабиларнинг илмий изланишларида мамлакатимизда экотуризмнинг ривожланиш хусусиятлари аниқланган, ҳудудларнинг экотуристик салоҳияти баҳоланиб, улардан оқилона фойдаланиш йўналишлари ва экотуризмни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, соҳани инновацион ривожлантириш имкониятлари тадқиқ этилган. Аммо, ҳудудларда экологик туризм салоҳиятини барқарор ривожлантириш механизмини

такомиллаштиришнинг методологик услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда, комплекс ҳолатда, тадқиқот обьекти сифатида таҳлил этилмаган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган

Таҳлил ва натижалар. Экотуризм соҳасини ривожлантириш фаолиятининг устувор йўналишлари қаторига кирган ҳалқаро ташкилотлар ҳам экотуристик хизматлар обьектини аниқлаш бўйича турли ёндашувларни таклиф этадилар. Жумладан, Жаҳон туризм ташкилоти (WTO) эксперtlари томонидан экотуризмни обьекти сифатида экотуристик хизматлар кўрсатилаётган худуднинг туристларни ўзига жалб этиб, қизиқтира оладиган табиат ва унинг бойликлари сифатида баҳоланади [2]. Ушбу ёндашувни экотуризмнинг обьекти аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли иқтисодий адабиётда экотуризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда ушбу ёндашувдан камдан кам ҳолатларда фойдаланилади.

Ҳалқаро экотуризм жамияти (TIES) томонидан ўтказиладиган тадқиқотларда эса экотуристик хизмат кўрсатиш соҳасининг обьекти сифатида инсонларнинг салбий таъсиридан сақланадиган, кўриқланадиган ҳудудлар, «яшил зона»лар, экотуристик миintaқалар кабилар баҳоланади [3]. Жаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) вакиллари эса, инсон томонидан ҳали зарар етказилмаган, ўзлаштирилмаган табиат бойликлари ва ҳудудлар, ёввойи табиат ҳукм сурадиган ўрмонлар, қўриқхоналар, флора ва фауна дунёси экотуризмнинг обьекти[4], деган ғояни илгари сурадилар.

Таҳлилларга кўра, Ҳалқаро экотуризм жамияти (TIES) ва Жаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) эксперtlарининг экотуризм обьектини аниқлаш бўйича ёндашувлари Жаҳон туризм ташкилоти (WTO) ёшдашувидан фарқли ўлароқ, нисбатан торроқ доирада бўлганлиги ва ўз фаолияти йўналишига мослиги билан характерланади. Шунингдек, иқтисодий адабиётда ушбу икки ҳалқаро ташкилотлар (TIES ва WWF) ёндашувларига ўхшаш фикрлар мавжуд. Жумладан, Ю.А. Штюмер [5] экотуризмнинг обьекти сифатида инсонлар томонидан ўзлаштирилмаган ва нисбатан камроқ ўзлаштирилган (табиат ва атроф муҳитга инсонлар томонидан зарар етказишга улгурilmagan) ҳудудларнинг табиий бойликлари ҳамда атроф муҳити экотуризмнинг обьекти сифатида баҳоланади. В.В. Храбовченко эса инсонлар томонидан зарар етказилмаган ва табиий жиҳатдан соғлигини йўқотмаган ҳудуд ва унинг экотизими, флора ва фауна дунёси экотуризмнинг обьектини акс эттиради [6], деган фикрни илгари суради.

Иқтисодий адабиётда илк бор эколог-иктисодчи олим Г. Себаллос-Ласкурейн томонидан экотуризм атамаси иқтисодий айланмага киритилган. Унинг фикрича, «экологик туризм – бу туристлар учун табиатни ҳис қилиш, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш билан биргаликда уларни чуқур ўрганиш имконини берувчи атроф-муҳитга экологик жиҳатдан хавф туғдирмадиган туристик саёҳатлар мажмуаси ҳисобланади» [7]. Олим томонидан экотуризмга берилган таърифда нафақат туристларнинг табиат қўйнида хавфсиз хордик чиқаришлари, балки уларнинг ҳам атроф-муҳитга зарар етказмасликларига эътибор қаратилганлиги ушбу туристик хизматларнинг икки тарафлама экологик жиҳатдан хавфсизликка асосланганлигини англатади. Шу билан бирганикда, экотуризм табиат, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш имкониятини кенгайтириши ушбу таърифда ўз аксини топганлиги билан характерланади.

Экотуристик хизматлар бозорининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида турли ҳалқаро ташкилотлар эксперtlари томонидан ушбу хизмат турини моҳиятини тушунтириш учун турли ёндашувлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Жаҳон туризм ташкилоти эксперtlари фикрича, «экологик туризм – бу табиат бўйлаб саёҳат қилишнинг барча шаклларини ўз ичига қамраб олган ҳолда, бунда туризмдан кўзланган мақсад туристларнинг соф табиат билан яқиндан танишишлари ва хордик чиқаришлари ҳисобланади» [8]. Ушбу тариф экотуристик хизматлардан фойдаланадиган туристларга табиатнинг ҳақиқий гўзаллигидан баҳраманд бўлишлари учун етарли даражада шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратилганлиги билан ажralиб туради. Шу билан биргаликда, тарифда экотуризмни ташкил этиш жараёнида

туристлар томонидан атроф-муҳитга, жумладан, флора ва фауна дунёсига етказилиши мумкин бўлган зааралар инобатта олинмаганлиги кўзга ташланади. Бу эса экотуризмни ривожлантириш бўйича мавжуд салоҳиятни сақлаб қолиш имкониятини йўқотиш мумкинлиги хавфини уйғотади.

АҚШнинг «Халқаро экотуризм жамияти» эксперtlари фикрича, табиатга инсонлар томонидан зарар етказилмаган жойларда атроф-муҳит учун экологик жиҳатдан хавф тугдирмайдиган саёҳатларни ташкил этиш экотуризмни англатади [9]. Ушбу таърифда экотуристик хизматлар кўрсатилаётган ҳудудларда экотизимларнинг яхлитлигини бузмаган ҳолда сақлаб қолиш, унинг табиий, этнографик ва маданий хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни туристларда шакллантиришга қаратилганлигига эътибор қаратилган. Ушбу ҳолат экотуризм нафақат туристлар, балки мамлакат иқтисодиёти, экотуристик хизматлар ташкил этилаётган ҳудудларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун ижтимоий-иктисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради, деган хulosага келиш имконини беради.

Фаолият йўналиши экотуризмни ривожлантириш билан маълум бир даражада боғлик бўлган яна бир халқаро ташкилот Жаҳон ёввойи табиат фонди эксперtlари фикрича, «экотуризм – бу табиий туристик хизмат кўрсатиш шакли бўлиб, юқори даражада атроф муҳитни асрар имконияти мавжудлиги билан бошқа туристик хизматлардан ажралиб туради» [10]. Мазкур тариф халқаро ташкилотнинг фаолият йўналишига мос равишда йилдан йилга йўқолиб бораётган, жумладан, «қизил китоб»га киритилган ёввойи хайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида, туристлар томонидан атроф муҳитга зарар етказиши даражасини камайтиришга эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, халқаро ташкилотлар томонидан «экотуризм» иқтисодий категориясининг моҳиятини тушунтириш борасида ишлаб чиқсан тарифлари улар фаолиятининг устувор йўналишларига мослиги билан характерланади. Жумладан, Жаҳон туризм ташкилоти ва Халқаро экотуризм жамияти эксперtlари томонидан ишлаб чиқилган таърифларда устуворлик туристлар учун табиат қўйнида унинг бойликларидан баҳраманд бўлган ҳолда мароқли хордик чиқаришга қаратилган бўлса, Жаҳон ёввойи табиат фонди эксперtlари эса, аксинча, туристларнинг ҳам табиатга иложи борича камроқ зарар етказиши кераклигига эътибор қаратишган. Ушбу ҳолат халқаро даражада амалга ошириладиган тадқиқотларда «экотуризм» иқтисодий категориясиға нисбатан ягона бўлган илмий қарашнинг ҳали ҳануз шаклланмаганлигига асос бўлади.

Шунингдек, турли мамлакатлар туризм индустрисида экологик туристик хизматларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-норматив хужжатларда ҳам «экотуризм» тушунчаси, ушбу соҳада фаолият юритишининг йўналишлари бўйича ҳуқуқий асослар келтириб ўтилганлигини кузатишимиш мумкин бўлади. Таҳлилларга кўра, АҚШ иқтисодиётида экотуризм соҳасининг ҳуқуқий асослари ва унга мамдакат қонунчилигига берилган таъриф «Халқаро экотуризм жамияти» томонидан берилган таърифга асосланганлиги аниқланди. Бунда ҳам экотуризм орқали туристик хизматларни ташкил этиш жараёнида инсонларнинг табиатга нисбатан салбий таъсирини камайтириш, уларнинг атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда саёҳатларни ташкил этилишига устуворлик қаратилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Шу билан биргаликда, экотуристик хизматлардан фойдаланиш орқали туристларнинг табиат, жумладан, экотуристик хизматлар ташкил этилаётган ҳудуднинг ўсимлик ва хайвонот дунёси тўғрисидаги билимларини янада ошириш имкониятига эга бўлиш ушбу хизматларнинг ижтимоий-иктисодий ва экологик жиҳатдан аҳамиятини янада оширишга хизмат қиласи.

Европа Иттифоқи мамлакатлари амалиётида экотуристик хизматларни ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар «Жаҳон туризм ташкилоти» ва «Жаҳон ёввойи табиат фонди» томонидан «экотуризм» иқтисодий категориясиға берилган таърифларга асосланганлигини кузатишимиш мумкин бўлади. Бунда ҳам «экотуризм»нинг атроф-муҳитга инсонларнинг салбий таъсирини камайтирган ҳолда, уларни табиат ва унинг бойликлари билан яқиндан таништириш билан биргаликда, туристларнинг бу борадаги билимларини

ошириш ва мароқлик ҳордик чиқаришларини таъминлашга эътибор қаратилганлиги аҳамиятли ҳисобланади.

МДХ мамлакатлари ҳам табиий-экологик жиҳатдан ўзининг юқори даражадаги «экотуризм» соҳасини ривожлантириш салоҳиятининг юқори эканлиги билан ажралиб турди ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича мамлакатларда тегишли ислоҳотларга устуворлик қаратилаётганлиги унинг ҳукукий-меъёрий асослари орқали экотуристик хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият йўналишларини аниқлаш имкониятини яратади. Жумладан, Россия Федерациясининг 2035 йилга қадар туризмни ривожлантириш стратегиясида ҳам «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан таъриф берилганлиги мамлакат миллий туризм индустрясида ушбу соҳанинг муҳим ўрин тутиб бораётганлигидан далолат беради. Унга кўра, «экотуризм – бу табиат туризмининг барча шаклларини ўз ичига олган саёҳатларни бошқариш фаолияти бўлиб, унда туристларнинг асосий мотивацияси табиатни кузатиш ва уни сақлашга интилиш билан танишишdir» [11]. Россия Федерацияси ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган меъёрий хужжатда экотуристик хизматларни ташкил этиш жараёнида ушбу фаолиятнинг табиатни асрashга йўналтирилган бўлишига устуворлик қаратилиги билан аҳамиятли ҳисбланиб, ушбу соҳада кўрсатилаётган хизматларнинг атроф муҳитга салбий таъсирини минималластирилишига устуворлик қаратилганлигини англатади.

«Экотуризм» соҳасини ривожлантириш унинг мамлакат иқтисодиётидаши ўрни ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш борасида қатор маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ҳам илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Н. Тухлиев фикрича, «экотуризм бу – қуйидаги мақсадларда амалга ошириладиган туристик хизматларни англатади: ёввойи табиатни саёҳат қилиш; табиатга минимал даражада таъсир кўрсатиш; экологик таълим олиш; табиатни муҳофаза қилишни кўллаб-куватлаш; экологик тадбирлардан маҳаллий аҳолининг қўшимча даромадларини шакллантириш» [12]. Н. Тухлиев томонидан «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан берилган тарифда ушбу соҳа учун хос бўлган хусусиятларга асосланган ҳолда унинг моҳиятини ёритишга харакат қилинганлигини кузатишимиш мумкин бўлади. Шу билан биргаликда, унда экотуризмнинг инсонларни табиат ва унинг бойликлари тўғрисидаги билимларини кўпайтириш, уларни ўрганиш каби имкониятлари мавжуд эканлиги эътибордан четда қолган.

А. Гаппаров тадқиқотлари натижаларига кўра, «экологик туризм – табиат туризми бўлиб, туристларнинг табиат бағрида ва унинг бетакор ландшафт кўринишларига сайд-саёҳатни англатади» [13], деган хulosага келинган бўлса, А.П. Махмудова эса «экотуристик обьектлардан ва ресурслардан туристик мақсадларда оқилона фойдаланиш жараёни экотуризмни англатади» [14], деган фикрни илгари суради. Таҳлилларга кўра, А. Гаппаров ва А.П. Махмудовалар «экотуризм» иқтисодий категориясининг моҳиятини ёритишда фақатгина табиат бўйлаб, унинг табиий бойликларидан баҳраманд бўлган ҳолда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида туристик саёҳатни амалга оширилишига устуворлик қаратилган. Ваҳоланки, экотуризм фақатгина табиат қўйинида саёҳат қилиш эмас, балки, рекреацион, билим олиш ва экотуристик хизматлар кўрсатишда банд бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириши мумкин бўлган ҳолатлар инобатга олинмаган. Ушбу ҳолат олилар томонидан ишлаб чиқилган тарифлар «экотуризм» иқтисодий категориясининг туб моҳиятини ёритишдаги тор маънодаги тариф учун хос эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда О.Х. Хамидовнинг илмий изланишлари натижаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Олим «экотуризм» иқтисодий категориясининг туб моҳиятини ёритишда унга тизим сифатида баҳо берганлиги унинг тадқиқоти натижалари аҳамиятини оширади. Унинг фикрича, «экотуризм тизим сифатида ўзаро боғлиқ бўлган кичик тизимлар – табиат ва маданий комплекслар, муҳандислик иншоотлари, хизмат кўрсатувчи персонал, дам олувчилар ва бошқариш органларидан ташкил топади» [15]. Ушбу тариф орқали худудларда экотуристик хизматларни ташкил этиш жараёнида бевосита ва билвосита иштирок этувчи барча элементлар ўзаро бирлашган ҳолда «экотуристик тизим»ни ташкил этади, деган хulosага келиш мумкин бўлади.

Яна бир махаллий иқтисодчи олим Ф.О. Ўроқов ўз илмий тадқиқотларида «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан қўйидагича тариф беради: «экологик туризм – бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланишини таминлаш учун табиат билан унинг бойликларидан туристик йўналишда оқилона фойдаланишини англатади» [16]. Олим томонидан экотуризмни мамлакат иқтисодиётида барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ўрнини ёритиш орқали унинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилинган.

Шунингдек, экологик нуқтаи-назардан экотуристик хизматлар қўйидаги хусусиятлари билан ажralиб туради:

- экотуристик мақсадларда худудларга ташриф буюрган туристлар бошқа туристларга нисбатан экологик маданияти юқори бўлиб, уларнинг атроф-муҳитга зарар етказиш даражаси сезиларли даражада кам бўлади. Яъни, дуч келган жойда тартибсиз хордиқ чиқариш натижасида атроф-муҳитни ифлосланишининг олдини олишга эришилади. Бунда экотуристик хизматлар ташкил этилшан яшил худудларга турли хил ахлатларни ташлаб кетиш, ифлослантириш каби салбий хусусиятлар камдан кам ҳолатларда учрайди;

- экотуристик хизматлар кўрсатилаётган худудларда истиқомат қилувчи махаллий аҳолининг қўшимча даромадлари ортиб боргани сари, ушбу худудларда иқтисодий фаолият юритишнинг экологик жиҳатдан зарар етказиш даражаси кам бўлган муқобил турлари ривожланади;

- атроф-муҳитни ҳимоялаш ва экологик барқарорликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар сони ортиб, бу борадаги илмий фаолият самарадорлигини оширишга эришилади. Жумладан, мамлакатнинг экологик барқарорлигини таъминлаш имкониятлари кенгайиб, махаллий аҳолининг атроф-муҳитни ҳимоялашдаги иштироки, мажбуриятлари ва бундан манфаатдорлиги ортади [17].

Хулоса ва таклифлар. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда иқтисодий адабиётда «экотуризм» иқтисодий категориясининг умумқабул қилинган тарифи ҳали ҳануз ишлаб чиқилмаган. Бунинг сабаби иқтисодий адабиётда амалга оширилаётган тадқиқотлар обьектидан келиб чиқсан ҳолда олимлар унинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилганликлари билан изоҳланади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда «экотуризм» иқтисодий категориясининг тор ва кенг маънодаги тарифларини ишлаб чиқдик.

Тор маънода «экотуризм» иқтисодий категорияси табиат бўйлаб иккиёклама хавфсиз сайдатни англатади. Шу билан биргаликда, унинг ҳаёвонот дунёси, ўсимликлар, хаёт шаклларининг хилма-хиллиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий мерослар, жамият ва унинг азоларининг турмуш шарт-шароитлари ва миллий иқтисодиётларнинг барқарорлиги билан боғлиқ хусусиятларига асосланган ҳолда, унга кенг маънодаги тарифни бериш мумкин бўлади. Фикримизча, «экологик туризм – бу туристлар учун экологик туризм ташкил этилаётган ҳудуд табиати, табиий ландшафтлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотларни олиш, улар билан яқиндан танишиш билан биргаликда икки тарафлама хавфсиз бўлган хордиқ чиқариш имкониятини яратиш орқали ҳудуд аҳолиси бандлигини рағбатлантириш билан биргаликда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имкониятини берувчи туристик хизмат қўрсатиш шаклидир».

Юқорида «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан ишлаб чиқилган тор ва кенг маънодаги тарифлар замонавий иқтисодий адабиётда унга нисбатан ёндашувлар ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг устувор йўналишларини бир нуқтага жамлаш орқали соҳанинг тутган ўрнига баҳо бериш асосида ишлаб чиқилди. Натижада ишлаб чиқлган тарифнинг универсаллиги ва экотуризмнинг нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий ва экологик аҳамиятини бирдек инобатга олишга эришилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лукичев А.Б. Сущность устойчивого и экологического туризма// Российский журнал экотуризма. - 2011. - Т. 1. - С. 3-6.
2. World Tourism Organization. <https://www.unwto.org/ru>
3. The International Ecotourism Society. <https://ecotourism.org/>
4. World Wildlife Fund. <https://www.worldwildlife.org/>